

**ҚУЁШ ВА БИОЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИБ ИСИТИЛАДИГАН
НАМУНАВИЙ УЙНИНГ ГЕЛИОКОЛЛЕКТОРИНИ ВА ИССИҚЛИК
АККУМУЛЯТОРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ.**

Санақулов Ф.Р.

Қарши ирригация ва агротехнологийлар институти

Замонавий уйсозликда энергиятежамкор материаллардан, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни тақоза этади.

Куёш ва биоэнергиядан фойдаланиб замонавий уйларни иситища гелиоколлекторнинг самарадорлиги (η) ва биоэнергиясидан фойдаланиб иситишнинг таққослаш коэффициентини (ϕ) теплотехник параметрларга боғлаб ҳисоблаш методикаси [1-2] адабиётларга келтирилган.

Уйни қуёш энергиядан фойдаланиб иситища гелиоколлектор ва иссиқлик аккумуляторнинг самарадорлигини назарий ҳисоблашлар ва тажрибалари билан таққосланган натижалари келтирилган.

Турли системалар учун олинган η ва ϕ қийматларни солиштириш аниқ иқлим шароитларида у ёки бу системанинг афзаликлари ва муаммолари тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келди. Қиши фаслининг сурункали булатли ва совук кунларида гелиоколлектор ва иссиқлик аккумулятори ФИК пасаяди. Шунинг учун қўшимча биоэнергиядан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Куёш уйини иситища замонавий гелиоколлекторлардан ва қўшимча биоэнергиядан самарали фойдаланиб иссиқлик аккумуляторларини жорий этиш билан бир қаторда унинг деворларининг иссиқлик ҳимоя қатлами хоссаларини ошириш, иситиладиган уйни юқори қопламаларини маҳаллий материаллар (қамиш қирқимлари, майин сомонли маҳсус қум тупроқли лой сувоқлардан) фойдаланиб иссиқлик сақловчи тизимнинг самарадорлигини оширишга эришиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Хусусан, одатдаги қуёш уйларини иситища қуйидаги формулалардан фойдаланиб ҳисоблаш ишлари бажарилади [3].

$$\eta_{KK} = \alpha_p \tau \left(\frac{1}{\eta_{Tn}} + \frac{b}{a} \frac{K_{kal} F_{kk}}{q_0 V} \right)^{-1} \quad (1)$$

$$\alpha = \alpha_p \tau \frac{q_{tush}}{t_k - t_0^c} \left(\frac{q_0 V}{\eta_{Tn} b F_{kk}} + \frac{K_{kal}}{a} \right)^{-1} \quad (2)$$

(1) ва (2) формулалардаги доимий катталиклар

$$a = \frac{t_k^1 - t_0^1}{t_k^1 - t_0^{dH}} \quad (3)$$

$$b = \frac{z_{dH}}{z} \quad (4)$$

тенгламалардан фойдаланиб аниқланади.

(1)ва (2)формулалардаги a катталик [2]адабиётда келтирилганидек 2 га тенг деб, b -эса сутка давомида қуёш коллекторининг ишлаш даври билан боғлиқ бўлиб $0,25 \div 0,33$ оралиқда бўлади.

Куёш ва биоэнергиядан фойдаланиб замонавий намунавий уйларни иситиш учун теплофизик ва теплотехник параметрлар инобатга олиниб (1) ва (2) тенгламалар ёрдамида унинг самарадорлигини аниқлаб лойиҳалашга тавсия этиш мумкин. Аммо бу тенгламаларда иссиқлик аккумулятор системасидан фойдаланиш эътиборга олинмайди. Натижада бу тенгламалар ёрдамида олинган маълумолар қуёш ва биоэнергиядан фойдаланиб замонавий намунавий уйларни иситишда қўлланилиш самарадорлигини пасайтиради.

(1) ва (2) тенгламаларда чегараланган теплофизик параметрларни вақт бирлигига ўзгармас деб ҳисоблаб, қуёш ва биоэнергиядан фойдаланиб замонавий намунавий уйларни иссиқлик балансини ҳисоблашда иссиқлик процессларни барча қисмлари учун алоҳида элементларга нисбатан тенгламалар тузиб қуёшва биоэнергиядан фойдаланиб иссиқлик аккумуляторли замонавий намунавий уйларнинг иссиқлик балансини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди [4].

Куёш иссиқлик коллекторидан олинадиган иссиқлик миқдорини қуёш уйини қиши мавсумида иситиш ва иссиқлик миқдорини бир қисмини аккумуляциялаш тенгламаси қуидаги ифодаланади:

$$Q_{\text{тўл}}^{k,k} = \eta_T F_{kk} [q_{10T} - K_{\text{кел}}(t_f - t_0^{\Delta H})] Z_{\Delta H} - n \quad (5)$$

Шунингдек қуёш ва биоэнергиядан фойдаланиб иситиладиган иссиқлик аккумуляторли замонавий намунавий уйлардаги иссиқлик аккумуляторига бериладиган иссиқлик миқдори:

$$Q_{\text{тўл}}^{ak} = K_{f-k} F_n (t_f - t_k^1) Z_c \cdot n \quad (6)$$

Куёш ва биоэнергиядан фойдаланиб иссиқлик аккумуляторли замонавий намунавий уйнинг қиши мавсуми даврида иситилишида унинг поли, деворлари, деразалари, шифт қисми ва эшиклар орқали узатиладиган иссиқлик миқдори қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q_{\text{уй}} = q_0 V (t_l^1 - t_0^c) Z_c \cdot n \quad (7)$$

Бу ерда $q_{\text{ют}}$ - қуёш энергиясини қабул қилувчи қуёш коллекторига тушувчи нур энергияси оқимини ютилган миқдори бўлиб, уни ҳисоблаш

$$q_{\text{ют}} = \alpha_p \tau q_{\text{түш}} \quad (8)$$

формула орқали амалга оширилади

Қиши фаслиниг сурункали булутли ва совук кунларида иссиқлик аккумуляторли замонавий намунавий уйни қўшимча биоэнергиядан фойдаланиб

иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси сарфи қуидаги тенглама ёрдамида аниқланади.

$$Q_\delta = \alpha_v V \Delta t \quad (9)$$

(2) ва (4) тенгламаларни (5), (6)ва (7) тенгламаларга нисбатан боғланишларини эътиборга олиб, температура ўзгаришини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$t_0^{\text{дн}} - t_f = \frac{Q_{\text{түл}}^{kk}}{\eta_{\text{ию}} K_{\text{кел}} F_{kk} Z_{\text{дн}} n} - \frac{q_{\text{ют}}}{K_{\text{кел}}} \quad (10)$$

$$t_f - t_k^1 = \frac{v Q_{\text{түл}}^{ak}}{K_{f-k} F_n Z_{\text{дн}} n} \quad (11)$$

$$t_k^1 - t_k^{\text{дн}} = \frac{v Q_{\text{уй}}}{\alpha q_0 V Z_{\text{дн}} n} \quad (12)$$

(9)ва (12) тенгламаларни умумлаштириб

$$Q_{\text{түл}}^{ak} = \eta_{ak} Q_{\text{түл}}^{kk} \quad (13)$$

$$\eta_{kk} = \frac{Q_{\text{түл}}^{kk}}{Q_{\text{түш}}} \quad (14)$$

$$Q_{\text{түл}} = q_{\text{түш}}, F_{kk} Z_{\text{дн}} n \quad (15)$$

$$\eta_{иси} = \alpha_p \tau \quad (16)$$

$$\varphi = \frac{Q_{\text{түл}}^{kk} + Q_{ak}}{Q_{\text{пай}}} \quad (17)$$

ва шунингдек (8)дан фойдаланиб қуёш иссиқ ҳаво коллектори учун самарадорликни

$$\eta_{kk} = \eta_{\text{кде}} \left[\frac{1}{\eta_{\text{пай}}} + K_{\text{кел}} F_{kk} \eta_{ak} v \left(\frac{1}{K_{f-k} F_n} + \frac{1}{\alpha q_0 V} \right) \right]^{-1} \quad (18)$$

ва қуёш эргиясидан фойдаланиб иситишни таққослаш қоэффициентини

$$\varphi = \eta_{\text{кдс}} \frac{q_{\text{түш}}}{t_k - t_0^c} \left[q_0 V \left(\frac{1}{v \eta_{ий} F_{kk}} + \frac{1}{K_{f-k} F_n} \right) + \frac{K_{\text{кел}} \eta_{ak}}{a} \right]^{-1} \quad (19)$$

формуладан ҳисоблаб аниқланади.

(19) тенгламадан маълумки, қуёш уйини иситишда гелеоколлекторнинг тиниқ юзасини нур ўтказиш самарадорликлари, гелиоколлектор қурилмасининг герметик сифатли тайёрлаш иссиқлик сақлаш самарадорлигига ва иссиқлик йўқотиш қоэффициентига боғлиқ бўлар экан.

Демак, биринчидан назарий ҳисоблаш ва тажриба натижаларининг мувофиқлиги, иккинчидан қуёш уйини гелиоколлектори ёрдамида иситиш самарадорлиги даражаси системанинг боғланиш қоэффициенти ва иссиқлик аккумуляторининг мувофиқлигига боғлиқлиги асосида тадқиқ қилинди. Муборак нефть-газ МЧЖ тасарруфидаги иссиқлик аккумуляторли қуёш ва биоэнергиядан фойдаланиб мўътадил иқлим режими асосида яратилган намунавий уй 2018-2019 йилларда қурилиб иситиш мавсуми даврида ўтказилган

тажрибаларнинг ва η_{kk} ф ларни мувофиқликлари юқорида белгиланган методика бўйича назарий хисоблашларнинг натижалари ўзаро таққосланди. Тажриба қурилмаси учун

$$\eta_{ий} = 0,46, \eta_{кдс} = 0,60, F_{kk} = 12.4\text{м}^2, K_{кел} = 3,4\text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^0\text{C}),$$

$$V_{ak} = 12.6\text{м}^3 \alpha = 2,0, в = 0,259, K_{f-k} = 2.8\text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^0\text{C}) \text{ ва } F_n = 260\text{м}^2$$

бўлиб $\eta_{kk}(17)$ формула ёрдамида ҳисобланганда унинг қиймати 0.3142.φ ни қиймати эса (18) формула билан ҳисобланганда 0.5820 va 0.5460 бўлиб 2018-2019 иситиш мавсуми даврида аниқланади ҳамда бу натижалар мувофиқлиги таққосланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аvezov.P.R. Орлов.А.Ю. Солнечные систем отопления и горячего водоснабжения-Ташкент; Фан,1998.с.288
2. Энергоактивны здания. Под ред.Э.В.Сарнатского и Н.П.Селинованова.- М.:Стройиздат,1988.-376с
3. Даффи Дж.А, Бекман У.А. Теплове процесс с использованием солнечной энергии. М.:Мир.1977.-420с
4. Хайриддинов Б.Э. Холмирзаев Н.С.Халимов F.F.Рисбаев. А.С.,
5. Эргашев Ш.Х. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш Т.:2019 ADABIYOT UCHQUNLARI. 414 бет